



**«ФАРГОНА ВОДИЙСИ ХУДУДЛАРИДАГИ  
МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА ИМПОРТ ЎРНИНИ  
БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ»  
МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(2017 йил 27-28 апрел)**



**НАМАНГАН -2017**

90	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b> Ишметова Ю. Тошкент Иқтисодиёт коллежи ўқитувчisi	200
91	<b>ХАЛҚАРО АУДИТ СТАНДАРТЛАРИ (IASs)ДА АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАРИНИ ТҮПЛАШ МАСАЛАЛАРИ</b> Тиллаева Д. Тошкент Иқтисодиёт коллежи ўқитувчisi	201
92	<b>НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА МЕВА- САБЗАВОТЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ.</b> Доц.А.Шерматов, асс. Т.Махмудов –НамМТИ	203
93	<b>ОЗИҚ-ОВҚАТ ИСТЕММОЛИ БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИННИГ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БАШОРАТЛАШДА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ</b> И.ф.н.,доцент Ф. Мадияров НамМТИ	205
94	<b>ФАРГОНА ВОДИЙСИ ҲУДУДЛАРИДА ТУРИЗМНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ</b> М.Куймуратова катта ўқитувчи - НамМТИ	207
95	<b>СУГУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ</b> И.ф.д.,профессор Ш.Сайдбоев., катта ўқитувчи Ш.Мамажонов - НамМТИ	209
96	<b>НАМАНГАН ВИЛОЯТИ САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ</b> Исраилов Р. доцент НамМТИ, Исаков А. Р., талаба - Андикон давлат университети	211
97	<b>НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ</b> Исмаилов Р.Б. доцент НамМТИ, Исаков А. Р., талаба - Андикон давлат университети	213
98	<b>МЕҲНАТ ВА МУЛК ҮЙҒУНЛИГИ САМАРАСИ</b> И.ф.д,профессор Ш.Сайдбоев, катта ўқитувчи Ш.Мамажонов – НамМТИ	215
<b>IV– ШЎЬБА:</b>		
<b>ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДАГИ ЎРМОН ЭКОТИЗИМИНИ ТИКЛАШ ВА УНДАН МАМЛАКАТ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ</b>		
99	<b>ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДА ЕТИШТИРИЛИШИ МУҲИМ БЎЛГАН МАҲСУЛОТЛАР</b> Казаков О.С.Наманган мухандислик-технология институти	218
100	<b>НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДА МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ</b> А.Х.Маллабоев Наманган Давлат ўрмон хўжалиги директори	219

**IV– ШЎЬБА:**  
**ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДАГИ ЎРМОН ЭКОТИЗИМИНИ  
ТИКЛАШ ВА ҮНДАН МАМЛАКАТ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИНИ  
ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДА ЕТИШТИРИЛИШИ МУҲИМ  
БЎЛГАН МАҲСУЛОТЛАР**

Казаков О.С. Наманган мухандислик-технология институти

Мамлакатимиз худудининг тоғ ва тоғолди худудларида иқтисодиёт ривожи учун катта хисса қўшиши мумкин бўлган кенг имкониятлар мавжуд бўлиб, улардан фойдаланишни йўлга қўйиш зарур. Бугунги кунда мамлакатимизда ёғочбоп ўсимликларнинг умумий захираси 12,5 млн.куб метрга тенг. Ўзбекистоннинг ёғочга бўлган бир йиллик эҳтиёжи эса 15 млн.куб метрдан ортиқроқни ташкил этади. Мавжуд бўлган ёғочбоп ўсимликлар асосан ўрмон хўжаликларида мавжуд ва ўрмонларнинг аксарияти муҳофаза вазифасини бажариши боис кенг миқёсда саноат йўли билан ёғоч тайёрлаш имконияти деярли йўқ. Тоғ ва тоғолди худудларида эса бу йўналишда кенг имкониятлар бор бўлиб, у ерларда қурилиш хом ашёси ҳисобланган ёғочбоп дараҳтларни экиш ва парваришилаш мумкин. Бу билан иқтисодиёт учун зарур бўлган қурилиш материалларини тайёрлашни йўлга қўйиш мумкин бўлади. Тоғ ва тоғолди худудларига ўша жойнинг иқлимига ва тупроғига мос келадиган кўчатларни экиш лозим.

Мамлакатимизнинг ёғоч маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи асосан импорт ҳисобига қопланишини ҳисобга оладиган бўлсак, тоғ ва тоғолди худудларида бундай ўрмонларни ташкил этилиши импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради ва катта микдордаги маблағларни тежаб қолишга шароит яратади.

Тоғ, тоғолди ва чўл худудларида қурилиш материалидан ташқари бошқа ёғоч материалларини ҳам етиштириш мумкин. Бошқа ёғоч материаллари, хусусан қамиш, шох-шаббалар ва шу каби ўсимликлар асосан тўқима мебеллар, супургилар, турли хил кўринишдаги саватчалар ва бошқа турдаги маҳсулотлар, кетмон ва кураклар учун дасталар, халқ хунармандчилиги буюмлари ва эсадалик совғалари ясаш учун ишлатилиши мумкин.

Мамлакатимизнинг тоғ, тоғолди ва чўл худудларида турли ўсимлик маҳсулотлари ҳам етиштириш мумкин. Ўсимлик маҳсулотлардан ёнғоқмевалилар (ёнғоқ, бодом ва писта), мевалар (ўрик, олма, шафтоли ва ҳ.к.лар), шунингдек ёввойи холда ўсуви майда мевалар (олча, наъматак, дўлана, зайдун ва ҳ.к.лар) ҳамда турли доривор гиёҳларни тоғ ва тоғолди худудларида етиштириш имконияти мавжуддир. Бугунги кунда мамлакатимиз ўрмон хўжаликлидаги ёнғоқзорларда (уларнинг умумий майдони 40 минг гектардан зиёдроқни ташкил этади) 100 тоннага яқин ёнғоқ, 20 тоннадан зиёдроқ бодом 40 тонна писта, кўплаб микдорда мева ва майдада мевалар тайёрланади.

Мамлакатимизнинг ўрмон хўжаликларида доривор ўсимликлар тайёрлаш соҳасида ҳам маълум тажриба тўпланган. Бу хўжаликларда ҳар йили қўплаб миқдорда доривор ўсимликлар тайёрланади ва йигиб олинади. Ёввойи ва маданий холда ўсувчи доривор ва истеъмолбоп ўсимликларнинг 35 га яқин тури мавжуд бўлиб, улар давлат ўрмон хўжаликларининг 160 гектардан зиёдроқ майдонларида ўстирилади. Бу ўсимликларни мамлакатимизнинг чўл, тоғ ва тоғолди худудларида ҳам етишириш мумкин. Фақат тупроқнинг таркибини аниқлаш ва унга мос келадиган турни танлашга эътибор қаратиш лозим. Бу ўсимликлар қаторида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: наъматақ, дўлана, тоғолмаси, жамбил, қизилпойча, дасторбош, қизилмия, кассия, тотим, қичитқи ўт, ялпиз, кашнич, равоч, очамбити, қирқбўғин, тутятовон, маврак, кийик ўти, пол-пола, мойчечак, календула, тутмачагул, зирк, зира ва бошқалар.

Тоғ ва тоғолди худудларидан яна қуйидаги мақсадларда фойдаланиш мумкин ва бу иқтисодиёт ривожига хисса қўшиши мумкин:

Хашак жамғариш ва чорва боқиши, асалари уяларини жойлаштириш ва асал олиш, ёввойи холда ўсувчи мевалар, майда мевалар, илдизлар, қўзиқоринлар ва бошқа маҳсулотларни йиғишиш ва тўплаш, қамишлар ва бошқаларни тўплаш.

## **НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ТОҒ ВА ТОГОЛДИ ХУДУДЛАРИДА МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**А.Х.Маллабоев Наманган Давлат ўрмон хўжалиги директори**

Мамлакатимизнинг ўзига хос бўлган экологик муҳитини сақлаш ва унинг худудларидан самарали фойдаланиш мақсадида 1947 йили Наманган вилоятининг катта қисмида Наманган Давлат ўрмон хўжалиги ташкил этилди. Наманган Давлат ўрмон хўжалиги ўрмон мелиоратив холатига кўра Помир-Тянь-Шан худудига, Наманган вилоятининг тоғ ва тоғолди қисмига киради. Бу ўрмон хўжалигининг иқлим шароити мўътадил иқлими худудга тааллуқлидир. Бундай худудларда ёмғир нисбатан кам бўлади, об-ҳаво эса бирдан ўзгариб кетиши мумкин. Ёзи иссиқ ва қуруқ, баҳор ва куз ойлари ҳаво мўътадил ва қиши пайтлари бир оз совук бўлади.

Наманган Давлат ўрмон хўжалиги жойлашган Наманган, Уйчи, Янгиқўрғон, Чорток ва Учқўрғон туманларида асосан қишлоқ хўжалиги ривожланган. Ушбу туманларда қишлоқ хўжалигининг сабзавотчилик, узумчилик, боғдорчилик, ғаллачилик ва паҳтачилик соҳалари бўйича фаолият олиб борилади. Наманган Давлат ўрмон хўжалиги жойлашган майдон 1367,2 гектарни ташкил этади. Унинг хўжалик бўйича қўриқлаш тоифалари 959,5 гектарни ва қирғоқ минтақаси 407,7 гектарни ташкил этади. Давлат ўрмон хўжалигининг ўрмон билан қопланган майдони 553,02 гектардан иборат бўлиб, унинг 479,79 гектари маданий ўрмонзорлардир. Наманган Давлат ўрмон хўжалиги ўрмон кўчатхоналари 9,2 гектарга teng бўлиб, уларда ўрмон